

Тасалли



11:46 / 12.02.2024 2549

«Эй бечоралар!

Қабристонга кўчиб борадиган вақтингиз келганида, **«Э воҳ! Мол-мулкимиз ҳароб бўлиб, шунча қилган ҳаракатимиз бекор кетди... Шундай гўзал ва кенг дунёдан кетиб, тор бир тупроққа кирдик»** демангиз. Фарёд қилиб маъюс бўлмангиз.

Чунки, сизнинг ҳар бир нарсангиз сақлаб қўйилган. Ҳар бир амалингиз ёзиб қўйилган. Ҳар бир хизматингиз қайд этиб қўйилган. Хизматингизнинг мукофотини берадиган ва ҳар бир яхшилик қўлида бўлган, ҳар бир яхшиликни қила оладиган Жалол соҳиби бўлган Буюк Аллоҳ, сизни чақириб, вақтинча ер остида қолдириб туради. Сўнг ўзининг ҳузурига олади. Қандай бахтлидирсизки, хизматингиз ва вазифангизни

битирдингиз. Заҳматингиз битди, энди роҳатга ва раҳматга кетмоқдасиз. Хизмат, машаққат тугади, энди ажр-мукофот олиш учун кетяпсиз.

Ҳа, шундай!

Ўтган баҳорнинг амал дафтари ва хизматларининг саҳифалари бўлган данакларини, уруғларини муҳофаза этган ва иккинчи баҳорда ғоят дабдабали, балки аслидан юз марта баракалироқ бир тарзда яна қайта нашр қилган Қодири Зулжалол, албатта сизнинг ҳам ҳаётингизнинг натижасини шундай муҳофаза қилиб қўяди ва қилган хизматингизга жавобан жуда кўпайтирилган суратда мукофот беражакдир!»

«Ўлим ҳақиқати» китобидан

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.